



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 октябрь куни Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари қардош Туркменистон халқига жорий йил 10-11 октябрь кунлари Ашхободда ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммитида кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ҳамда Туркменистоннинг МДҲдаги раислиги муваффақиятли ўтаётгани билан яна бир бор табрикланди.

Давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларининг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар нуктаи назаридан халқаро ва минтақавий аҳамиятта молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги вақт синовидан ўтган мустақам дўстлик ва яхши кўшчилик ришталари, аввало, савдо, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика ва бошқа тармоқларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун мустақам асос бўлаётгани қайд этилди.

Томонлар ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар аламинини бундан буён ҳам фаол кенгайтиришга тайёрлигини билдирдилар.

Мулоқот сўнигда давлат раҳбарлари қардош мамлакатларимиз ва бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор тарққиёти ва раванга йўлида Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги стратегик шериклики янада мустақамлаш бора-сида қатъий эканини таъкидладилар.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### 2030 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, бу борада ўтказилган таҳлил натижалари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат функцияларини амалга оширишда комплекс ёндашув ва стратегик режалаштиришнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, қўйилган вазифаларни самарали бажариш учун табиатни муҳофаза қилиш органининг ваколатлари етарли эмаслигидан dalolat беради.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёса-

тининг устувори йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳўжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни амалга олашнинг самарали механизмларини жорий этиш, республика аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳўлати учун давлат органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кўчатириш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш борасида амалга оширилаётган ислохотларни комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашнинг яхлит ва мустақил тизимини шакллантириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмлари самардорлигини ошириш, уларни янада ривожлантиришга оид тақлифларни ишлаб чиқиш учун илмий-амалий майдон яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича мақсадли кенгашининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида:

1. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Таъсисчилар кенгашининг институти Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) этиб қайта ташкил этиш ҳақидаги тақлифига розилик берилсин.

(Давоми 3-бетда)



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида STEAM Fest биринчи халқаро фестивали бўлиб ўтди.**



## ХАЛҚАРО КўРГАЗМА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Биринчи халқаро замонавий таълим усуллари фестивали Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қўмағида Нодавлат таълим муассасалари ассоциацияси томонидан ўтказилди. Тадбир ҳамкорлари MIND Champ (Ўзбекистон) ва New Generation (Украина) ташкилотлари бўлди.

Фестивални ўтказишдан асосий мақсад ёшлар орасида табиий фанларни кенг тарғиб қилиш ҳамда STEAM (Science – фан, Technology – технология, Engineering – муҳандислик, Art – санъат, Math – математика) таълими соҳасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишни таъминлашдан иборат эди.

STEAM тизимининг мақсади – ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш ҳамда уларни фан, технология, муҳандислик, математика ва санъат каби фанлардан олган билимларини самарали қўллаш-

га ўргатишдан иборат. Шу билан бирга, STEAM таълими мураккаб ўқув лойиҳаларини амалга оширишда фанларни ўзаро уйғунликда ўрганиш имконини беради.

STEAM Fest фестивалида Тошкент шаҳридаги энг яхши нодавлат таълим муассасалари, замонавий ўқув дастурлари муаллифлари ҳамда STEAM таълим йўналиши бўйича фикр билдирувчи хорижий компаниялар иштирок этди. Фестиваль иштирокчилари орасида GIGO (Россия), Robolab (Беларусь Республикаси), Lego Edu (Қозғистон), Крутая Наука (Украина) каби хорижий компания вакиллари ҳам ўз тузилмалари фаолияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Фестиваль икки йўналишда ўтказилди. Хорижлик ва маҳаллий мутахассислар STEAM, 3D-технологиялар ва робототехника ёрдамида ёшларнинг танқидий фикр-

лаш кўникмаларини шакллантириш, таълимда интернет ресурсларидан фойдаланиш каби мавзуларда маърузалар тақдим этди.

Ташкилотчилар томонидан фестиваль доирасида болалар учун ҳам STEAMнинг турли йўналишлари бўйича элликдан ортик маҳорат дарслари ўтилди. Мазкур маҳорат дарслари ёш авлодга билим олиш ва янгиликка интилиш қизиқарли ҳамда мароқли бўлишини амалда кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Шерзод Шерматовнинг таъкидлашича, бундай тадбирлар ўқувчиларга билим олиш қизиқарли бўлишини кўрсатади ва уларнинг таълим олишга иштиёқини оширади. Ўқитувчилар учун эса таълим беришининг замонавий ва қизиқарли усулларини ўзлаштиришга қўмак беради.

Н.УСМОНОВА

## Сайлов – 2019

### ЯГОНА ЭЛЕКТРОН РЎЙХАТ АФЗАЛЛИКЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳўзуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходимлари иштирокида давра сўхбати ўтказилди.**

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими Илхом Юсупов ва бошқалар сайлов қонунчилигидаги янгиликлар, хусусан, 2019 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтаётган сайловларга тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди. Сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш ва самардорлигини ошириш, комиссия аъзоллигига номзодлар учун янги форматда ўқув-семинарлари ташкил этиш, янги Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси ва унинг аФЗалликлари ҳақида сўз борди.

Ташкилотимизда сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлигини пухта тузилган режалар асосида тармоқларда тизимли ўтказмоқдамиз. Хар бир ходимнинг сайлов бўйича билими ва кўникмасини ошириш, уларни қонунчиликдаги янгиликлардан бохабар қилиш мақсадида мутахассислар, масъул кишилар иштирокида давра сўхбати ва анжуманлар уюштирялмоқда. Бундан кейинги анжуманимиз Қўқон шаҳридаги “Қўқон” минтақавий темир йўл узелида ўтказилади. – деди “Ўзтемирйўлназорат” инспекцияси бошлигининг матбуот котиби – ахборот сиё-

сати масалалари бўйича раҳбари маслаҳатчиси Фирдавс Хайридинов.

Анжуманда мутахассислар томонидан сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳақида маълумотлар тақдим этилди. Жорий йилги сайлов жараёниларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилиши таъминланиши, шунингдек, сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан самарали фойдаланиш учун зарур аппарат-дастурий инфратузилма яратилиши белгиланган. Бунинг натижасида бир вақтнинг ўзида яшаш жойи ва иш жойи икки вилоятда бўлган фуқароларнинг сайловда бир маротаба хоҳлаган манзилдан овоз бериш имконини ва унинг иштироки қайд қилиниши тушунтирилди.

Давра сўхбатига мутахассислар “Ўзтемирйўлназорат” инспекцияси марказий аппарати, Тошкент филиали ходимларининг сиёсий партиялар томонидан номзодларни таъсис этиш тартиби ва вақти, участка сайлов комиссияларининг ваколатлари ҳамда муддатидан олдин овоз бериш ҳўлатлари ҳақидаги саволларига афрофлича жавоб берди.

Дилобар МАМАТОВА



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда вилоят ҳўкимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Ибратли оила” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг вилоят босқичида туман ва шаҳарларда голиб, деб топилган 16 оила иштирок этиб, белгиланган шартлар асосида голиблик учун баҳс олиб борди.

● Бухорода ўқувчилар ўртасида математика фани бўйича Мирзо Улугбек номидаги республика олимпиадаси бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги ва Бухоро вилояти ҳўкимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз микёсида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежалар ўқувчилари билимдонлари орасида сараланган 91 иштирокчи билимини сынаб кўрди.

● Нукусда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Унда партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти яқунлари танқидий руҳда таҳлил этилиб, партиянинг кейинги фаолиятидаги устувор вазифалар, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

● Ўзбекистон давлат консерваториясида атоқли ўзбек мумтоз шоири Муқимий ижодига бағишланган назм ва

наво кечаси бўлиб ўтди. Адабиётшуносларнинг фикрича, Муқимий газал, мураббаъ ва мухаммасларининг етакчи образи – лирик қаҳрамон, аввало, бурч, вафо ва садоқат ҳақидаги илгор тушунчаларга эга бўлган софдил, маънавий баркамол ва руҳан бой шахс сифатида гавдаланади. Бу жихатларнинг ижод намуналари билан қўйланувчи кўшиқларга ҳам кўчгани эътиборга молиқдир. Назм ва наво оқшомида Муқимий ижодидан намуналар ўқилди. Унинг сўзлари билан қўйланувчи кўшиқлар ижро этилди.



● “Ўргимчак-аёл” лақаби билан маълум бўлган индонезиялик Ариес Сустан Рахая Хитойда қояга кўтарилиш бўйича жаҳон чемпионатида жаҳон рекордини ўрнатди ва ақл бовар қилмас тезлики намойиш қилиб ижтимоий тармоқлар юлдузига айланди. 24 ёшли

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЕГБИ СПОРТ ТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, спортнинг хар хил турларини, шу жумладан, регбининг янада оммалаштириш, спорт билан шуғулланиш учун қўлай шарт-шароитлар ва инфратузилма яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда регби республикамизда жадал ривожланмаётган спорт турларидан биридир. Ўзбекистон регби федерацияси ва унинг ҳудудий бўлиналари ташкил этилди ҳамда фаолият кўрсатмоқда, регби бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси нуфузли халқаро мусобақаларда (“Asian Olympic Pre-Qualifier”, “Asian 7’s”) фаол иштирок этиб, шарафли ўринларни эгаллаб келмоқда, ушбу жамоа Осиё минтақасидаги давлатлар орасида кучли саккизликка қиради.

Шу билан бирга, моддий-техник база ва инфратузилманинг етарли эмаслиги, регби бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг уйғун тизими яратилмаганлиги соҳанинг янада ривожланишига ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Регбининг янада ривожлантириш, уни республика аҳолисининг кенг қатламлари ўртасида фаол тарғиб қилиш ва оммалаштириш, юқори сифатли ўқув-машқ жараёнини таъминлаш, регбичилар, тренерлар ва ҳакамларнинг маҳорат даражаси ва малакасини доимий ошириб бориш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, регбичи-спортчиларни тайёрлаш учун моддий-техник базани мустақамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон регби федерациясининг қуйидаги тақлифлари мувофиқластин:

- а) ҳар бир ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида регби бўлимларини очиб;
- б) болалар-ўсмирлар спорт мактабларига ишга қабул қилинаётган регби бўйича мураббийлар номзодларини Ўзбекистон регби федерацияси билан мажбурий келишиш тартибини жорий қилиш;
- в) қуйидагиларни назарда тутувчи регби бўйича спорт мусобақаларини ўтказишнинг тўрт босқичли тизимини жорий этиш:

биринчи босқичда – спорт клублари, секциялари жамоалари ўртасидаги спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);

иккинчи босқичда – спорт клублари, секциялари ўртасидаги мусобақаларда голиб чиққан жамоалар ўртасида туман (шаҳар) спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);

ўчинчи босқичда – туман (шаҳар) спорт мусобақаларида голиб чиққан жамоалар ўртасида ҳудудий спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);

тўртинчи босқичда – ҳудудий спорт мусобақаларида голиб чиққан жамоалар ўртасида республика спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок).

2. 2019-2022 йилларда республикада регбининг янада комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар дастури) иловага мувофиқ тақдирлансин.

Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш доирасида қуйидаги устувор йўналишлар ва вазифалар белгилансин: иқтисодий спортчи ёшларни танлаб олиш (селекция ишлари) фаолиятининг самардорлигини ошириш ва регби бўйича ўқув-машқ жараёнини сифатли ташкил этиш;

регбининг оммалаштириш, ёшларни спорт клублари, секциялар ва тўғарақларга фаол жалб қилиш, улардан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

тренерлар, ҳакамлар ва регби бўйича бошқа мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

регби бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун сифатли ва самарали тайёргарлигини таъминлаш;

халқаро мусобақаларнинг голиблари ва совриндорларини рағбатлантириш, шунингдек, тренерлар, ҳакамлар ва регби бўйича бошқа мутахассисларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашни кўчатириш;

регбининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва инфратузилмасини такомиллаштириш.

(Давоми 2-бетда)

спортчи 15 метрлик деворга 6,995 сонияда кўтарила олди ва тезкор кўтарилиш бўйича олтин медални қўлга киритди. Рахая апрель ойида хитойлик Сонг Юлиан ўрнатган жаҳон рекордини (7,101 сония) янгилашди. Тезкор кўтарилиш 2020 йилги Токио Олимпиадаси дастурига илк бор киритилган қояга кўтарилиш бўйича мусобақаларнинг уч йўналишидан бири ҳисобланади. Рахая Олимпиадада олтин медалга асосий даъвогарлардан бўлиши кутилмоқда. Ўргимчак-аёлнинг рекорд уриниши видеоси ижтимоий тармоқларда миллионлаб намойиш ва қўллаб мақтовли изоҳлар тўплаган.

● Жаҳонда интернет тармогининг йўлга қўйилганга роппа-роса 50 йил тўлди. Яъни, интернет тарихи АҚШда узок масофадан туриб компьютер орқали маълумотни иккинчи компьютерга узатилиши билан бошланган эди. Ҳозирда бутун кўрраи замин бўйлаб 4 миллиард 400 миллион нафар одамлар ушбу тизимдан фойдаланмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2030 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. Куйидагилар:

а) 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда куйидаги чора-тадбирлар назарда тутилсин:

атроф-муҳит объектларини (атмосфера ҳавоси, сув, ер, tupрок, ер қаъри, биохилма-хиллик, қўрикланадиган табиий худудлар) антропоген таъсир ҳамда бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлаш ва сифатини таъминлаш; экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш; қўрикланадиган табиий худудларни кенгайтириш; захарли кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик хавфсиз фойдаланишни таъминлаш; чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг экологик хавфсиз тизимини такомиллаштириш; аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг шафдофлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кўчатириш;

б) 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини 2019–2021 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда – "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уч йил муддатга алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган "Йўл хариталари" асосида бошқичма-бошқич амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси):

2021 йил 1 декабргача бўлган муддатда "Йўл харитаси"ни амалга ошириш якунларини пухта ўрганиш асосида кейинги даврга мўлжалланган "Йўл харитаси" лойиҳасининг ишлаб чиқишлини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритишлини таъминласин; "Йўл хариталари" амалга оширилиши бўйича таъсирчан мониторинг юритсин.

3. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазир А.Ж.Раматов зиммасига – Концепция ва "Йўл харитаси"ни амалга ошириш доирасида маъсул вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т.Қўчқоров зиммасига – Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

4. Давлат экология қўмитаси, Ўзбекистон Экологик партияси ва жамоатчиликнинг давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарaxтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесишлишига мораторий (кейинги ўринларда – мораторий) жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Белгилансинки:

а) мораторий 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабргача амал қилсун;

б) мораторий амал қилиш даврида ваколатли давлат органларига давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарaxтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесишлишига рухсатнома бериш ман этилади, ушбу бандда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

в) мораторий: табиий омиллар ёки зараркунандлар, ўсимликлар касалликлари таъсирини зарарланган, қуриб бораётган ёки қуриб қолган, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига хавф туғдирувчи дарaxтлар ва буталарни санитар кесиш ва қирқишга; ёғоч ва мевалар олиш учун ўстирилаётган дарaxтлар ҳамда буталарни (террак ва тез ўсувчи бошқа навлар, тут плантациялари, мевали дарaxтлар ва буталар) кесишга; плантацияларда ўстирилаётган ва ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг молки ҳисобланган дарaxтлар ҳамда буталарни кесишга жорий этилмайди.

Вазирлик ва идоралар, шунингдек, ҳўжалик бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари объектларни қуриш ва қуришни лойиҳалаштириш учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш бошқичида, шунингдек, муҳандислик-

коммуникация инфратузилмасини (электр, газ ва сув таъминоти, канализация, темир йўл ҳамда автомобиль йўллари ва бошқалар) барпо этишда, шу жумладан, дарaxтлар ва буталарни қўчириб ўтказиш амалиётини қўллаш орқали уларнинг сақлаб қолинишни қатъий таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси дарaxтлар ва буталарни ҳўмова қилиш тизимини тўддан такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, дарaxтлар ва буталарни ноқонуний кесиш, уларга зарар етказиш ёки йўқ қилиш учун жавобгарлиқни кўчатиришни назарда тутувчи комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни икки ҳафта муддатда тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси Давлат экология қўмитаси ва "Хўнарманд" уюшмаси билан биргаликда ҳалқ бадийи хўнармандчилиги ва амалий санъат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўнармандларни ёғоч, шу жумладан, дарaxтларнинг қимматбаҳо навларидан олинган ёғоч билан таъминлаш бўйича бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

Давлат экология қўмитаси 2020 йил 1 ноябргача бўлган муддатда дарaxтлар ва буталарни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиғидан келиб чиққан ҳолда, мораторийнинг амал қилишини узайтириш мақсадаги мувофиқлиги юзасидан тақлиф киритсин.

6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши Давлат экология қўмитаси билан биргаликда ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этган ҳолда, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комиссиялари томонидан яшил дов-дарaxтларни санитар қирқиш ва кесишда, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва чикиндиларни утилизация қилиш, шу жумладан, ёғочлардан тижорат мақсадида фойдаланишда экология талабларига риоя этилиши юзасидан назорат амалга оширилишини таъминласин.

7. Куйидагилар:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ўзбекистон Экологик партияси билан биргаликда ёшларда атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантириш, табиати сақлаш, ҳаво, сув ва tupрок ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зиён етказишига йўл қўймаслик қаратилган экологик акцияларни ташкил этиш;

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фирқини ўрганиш республика марказининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фирқини ўрганиш юзасидан йилгига камидан бир марта ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

8. 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг бошлиқлари ҳар йили худудда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳолати тўғрисида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўқорғи Кенгесига, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳисобот тақдим этади;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияларининг бошлиқлари ҳар йили туманда (шаҳарда) атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳолати тўғрисида тегишли равишда ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

9. 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Давлат экология қўмитасининг давлат инспекторлари куйидаги ҳолатлар аниқланганда тежор назорат тадбирларини назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли орган билан олдиндан келишмасдан, ўтказилган текширув ҳақида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимда рўйхатдан ўтказиш орқали текширув бошланган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида ваколатли органи мажбурий равишда хабардор қилган ҳолда амалга оширади:

ёнувчи моддалар ва қурилиш материалларини бир жойга тўплаш ёки очик оловда ёқишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя этмаслик; далалар ва аҳоли пунктларида махсус техник воситаларни қўлламасдан битумни эритиш, ангизни, тўқилган барглари ва дарaxт шохлари ёки бошқа ўсимлик қолдиқларини ёқиш; оқова сувларни жой рельефинга ёки очик ҳавзаларга, шунингдек, коммунал канализация тизимига нормадан ортиқча ёки рухсатсиз оқизиш;

табиий сув объектларидан сувдан махсус фойдаланиш ёки сув истеъмолига рухсатномасиз сув олиш; дарaxтларни қонунга хилоф равишда кесиш, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш ёки йўқ қилиш, ёввойи ҳайвонларни (шу жумладан, балиқни) овлаш ёки қўлга киритиш;

чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонун ҳўжатлари талабларига риоя этмаслик; дарёлар, сойлар, кичик дарё ва қўлларнинг ўзанлари ва сувни муҳофаза қилиш зоналарини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишда қонун ҳўжатлари талабларига риоя этмаслик.

10. Куйидагилар: 2020 йил 1 январдан бошлаб "Евро-4"дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилгисини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш;

2022 йил 1 январдан бошлаб "Евро-3"дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилгисини, 2023 йил 1 январдан бошлаб эса "Евро-4"дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилгисини "вақтинча олиб кириш" ва "эркин муомала (импорт) учун чиқариш" божхона режимида жойлаштириш;

2022 йил 1 январдан бошлаб захарлилик даражаси "Евро-4" экологик тоифа талабларига мос келмайдиган газ, бензин ва дизель двигателлари билан жиҳозланган "М" ва "N" тоифаларидаги гилдиракли транспорт воситаларидан қўйраланиш ва уларни сотиш мақсадида "вақтинча олиб кириш" ва "эркин муомала (импорт) учун чиқариш" божхона режимида жойлаштириш ман этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган "М" ва "N" тоифалардаги гилдиракли янги транспорт воситаларининг экологик тоифа талабларига мувофиқлигини экологик сертификатлаш тартибини икки ой муддатда тасдиқласин.

11. Давлат экология қўмитасининг ёввойи ҳайвонларни овлашга ва ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатномалар бериш бўйича ўз ваколатларини Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларига бериш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

12. Давлат экология қўмитаси:

а) уч ой муддатда куйидагиларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин: давлат экологик экспертизаси ўтказилгунга қадар, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг I ва II тоифаларига мансуб (юқори ва ўртача хавф-хатар) фаолиятнинг мўлжалланаётган турлари бўйича атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳаларининг мажбурий жамоат муҳокамалари ва эшитишларини ўтказиш тартибини;

атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг I ва II тоифаларига мансуб (юқори ва ўртача хавф-хатар) фаолият турлари билан шуғулланадиган ҳўжалик юритувчи субъектларни тозалаш иншоотлари билан таъминланганлиги, шунингдек, қонун ҳўжатларига мувофиқ уларни мажбурий ўрнатиш чора-тадбирлари амалга оширилганлиги юзасидан хатловдан ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари;

б) гилдиракли транспорт воситаларини ишлаб чиқаришда "Евро-4"дан паст бўлмаган талабларни бажариш бўйича гилдиракли транспорт воситаларини экспорт қилувчи давлатларнинг қонун ҳўжатларини идентификациялаш ёки мурожаатчилар томонидан тақдим этилган, мазкур гилдиракли транспорт воситаларининг захарли моддалар чиқариш даражаси бўйича "Евро-4"дан паст бўлмаган экологик тоифа талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқловчи ҳўжатлар асосида Ўзбекистон Республикасига олиб кирилдиган, газ, бензин ва дизель двигателлари билан жиҳозланган "М" ва "N" тоифаларидаги янги гилдиракли транспорт воситалари учун экологик сертификатлар бериш ташкил этилишини таъминласин;

"Узстандарт" агентлиги, "Ўзавтосаноат" АЖ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар Давлат экология қўмитаси ҳузурдаги "Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш маркази" ДУК негизига гилдиракли транспорт воситаларининг экологик тоифасини аниқлаш бўйича замонавий лаборатория комплексини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин;

в) аҳолининг экологик маданиятини ошириш, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда кенг қўламли тарғибот фаолиятини ташкил этиш ишларини қўчатирисин;

г) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш

вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Саноат вафсизлиги давлат қўмитаси билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар ҳалқор тажрибани ҳисобга олган ҳолда, жумладан, куйидагиларни назарда тутувчи "Чикиндилар тўғрисида" янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бешта хавф-хатар тоифаси тизими ўрнига саноат тармоқлари ва ёки кимё-физик параметрлар асосида чикиндиларни таснифлаш тизимини жорий этиш; ишлаб чиқаришда чиқитсин ва кам чикитли технологияларни, шунингдек, қончилик ва қайта ишлаш корхоналари чикиндиларини қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш; саноат объектларида хавфли чикиндиларни экологик хавфсиз сақлашни ташкил этишни таъминлаш;

ўзининг истеъмол хўсусиятларини йўқотган ва таркибида хавфли моддалар мавжуд бўлган товарларни (симобли термометрлар, батареякалар, таркибида симоб мавжуд лампалар ва бошқалар) йиғиш, фойдаланиш ва ёки зарарсизлантириш тизимини ташкил этиш;

тиббиёт чикиндиларини йиғиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва қўйиб ташлаш тизимини ташкил этиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда куйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин:

Давлат экология қўмитаси давлат инспекторларининг текшириш ўтказишига тўқинлик қилганлик, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг худудлари ва иншоотларини қўздан кечиришга қўймаслик ёқуд улар томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришга бошқача тарзда тўқинлик қилганлик, шунингдек, жисмоний ёки юридик шахсларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳўжатлари талабларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги қўрсатмаларни бажармаганлиги учун жавобгарлиқни қўчатириш;

экологик экспертиза органларини қайта ташкил этиш ва оптимallasштириш, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг IV тоифасига мансуб (маҳаллий таъсир) фаолият турлари бўйича атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини соддалаштириган шаклда тақдим этиш, ҳўжатларни топириш ва қабул қилишининг электрон тизимини жорий этиш, атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган фаолият турлари рўйхатини қайта қўриб чиқиш.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармондан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш мақсадида Давлат экология қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида назорат бўйича таҳлил лабораториялари ва инспекцияларни биттадан бошқа автотранспорт билан таъминлашнинг ҳисобга олган ҳолда, Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 184 та автотранспорт воситаларини сақлаш учун қўшимча лимит ажратсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларига мазкур Фармоннинг мақсади ва вазифаларини, шунингдек, Концепция ва "Йўл харитаси" амалга оширилишини ёритишга оид мақолалар ва мавзуга оид телекўрсатувларни ташкил этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимда рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органи хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатига 3-иловага мувофиқ ўзгартариш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Давлат экология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳўжатларига оид бўйича Фармондан келиб чиқадиган ўзгартариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳўжатларини ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гўлямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 30 октябр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЕГБИ СПОРТ ТУРИНИ РИВОЖЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига куйидаги вазифаларни ҳал этиш юклатилсин:

худудий регби федерацияларининг молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қўмақлашиш;

тегишли худудларнинг раҳбар кадрлари орасидан номзодларни худудий регби федерациялари раиси лавозимига тавсия этиш;

тегишли худудда профессионал регбининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш, камидан битта профессионал регби клубини ташкил этиш, регби машғулотларини ўтказиш учун стадионлар, шунингдек, тегишли худудий регби федерацияларини жойлаштириш учун бинолар ажратиш.

4. Ўзбекистон регби федерацияси фаолиятини ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишни молиялаштириш манбалари куйидагилар эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасида назарда тутилдиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни маблағлари;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси маблағлари;

хомийлар маблағлари, шунингдек, қонун ҳўжатларида таққиланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг спорт клублари стадионларида мунтазам равишда регби бўйича ўқув-машғулотлар ва мусобақалар ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш берилишини бегараз асосда таъминласин.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон Фармони билан тасдиқланган Олимпия спорт турларини 2018–2021 йилларда кейинчалик ривожлантириш ва оммалаштириш комплекс чора-тадбирлари дастурининг 21-бандига мувофиқ Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Чорвоқ қишлоғида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари томонидан ўқув-машқ жараёнини ўтказиш учун Ўзбекистон регби федерациясининг спорт базасини қуриш қўзда тутилган;

спорт базасини сақлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш Ўзбекистон регби федерацияси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Чорвоқ қишлоғида

Ўзбекистон регби федерациясининг спорт ба-

заси қурилишини 2020 йилга мўлжалланган жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастурига киритишлишини таъминласин.

7. Ўзбекистон регби федерацияси, унинг худудий бўлимлари, профессионал регби клублари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга мувофиқ олиб кирилади-диган, регби бўйича спорт объектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт ускуналари, инвентарь ва махсус профессионал спорт анжонлари учун 2023 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ҳамда божхона йиғимлари бундан мустасно) озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига ҳамда Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига регби бўйича мутахассисларни тайёрловчи йўналишлар очиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ушбу бандни амалга ошириш бўйича чоралар қўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон регби федерацияси билан биргаликда:

мамлакатимизда регбини ривожланти-

риш, қўллаб-қувватлашга оммалаштириш, фуқароларнинг ушбу спорт турига қизиқилишни шакллантириш чоралари қўрилиши;

болалар-ўсмирлар спорт мактабларини регби замонавий ҳалқор талабларга жавоб берадиган спорт ҳозирлари ва инвентарь, регби учун спорт қийимлари ва пойабзал билан таъминласин;

регби инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда ўқув-машғулот йиғинларининг ташкил этилиши;

ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида регби бўлимларини очиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазир







## ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВ

**Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Қибрай туманида жойлашган "Роҳат" картодромида автоспортнинг картинг спорт тури бўйича шаҳар очик кубоги биринчи босқич мусобақаси ўтказилди.**

Тошкент шаҳри, Гулистон, Навоий, Наманган, Тошкент вилоятлари спорт клублари спортчиларининг иштироки мусобақанинг янада қизиқарли ва кучли беллашувлар остида ўтишини таъминлади. "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан "Бектемир УСТК" унитар корхонаси ташкилотчилигида ўтказилган мусобақада 25 нафар вояга етмаган ёш спортчи, улардан 2 нафари қиз ва 16 нафар 18 ёшдан катта бўлган спортчилар иштирок этди. Мусобақа Низомий шартларига кўра мусобақалар "Микро-50", "Мини-60", "125 К", "КФ", "КЗ", "125 М" ҳамда "250 куб. см" синфларида бўлиб ўтди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ёшларни спортнинг техник ва амалий турларига кенг миқёсда жалб этиш мақсадида ўтказилган ушбу спорт мусобақасининг иштирокчилари ўз жамоалари ва клублари шаънини ҳимоя қилиш учун голиблик учун астойдил ҳаракат қилдилар. Ёшларимизнинг олий ўрин учун бор куч-қувватларини ишга солиб маррага биринчи бўлиб етиб келишга ҳаракат қилишлари бунинг яққол далилидир.

Картинг бўйича Тошкент шаҳар очик кубоги иккинчи (финал) босқичи мусобақасининг жамоавий натижаларига кўра 1-ўринни "Олимп" СК, 2-ўринни "Яшнобод" УСТК УК, 3-ўринни Ангрэн автомобил мактаби, 4-ўринни "Бектемир УСТК" УК, 5-ўринни Гулистон автомобил мактаби эгаллади.

Мусобақада голиб ва совриндорларига "Ватанпарвар" ташкилотининг Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан кубок, диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ташкилот томонидан бу каби спорт мусобақаларининг ташкил этилиши, айниқса уларда қизларнинг иштирок этаётганлиги мазкур спорт турларига бўлган қизиқши ортаётганлиги ва янада ривожланиб, оммалашиб бораётганлигидан далолатдир.

Зиёда РАСУЛОВА



## "БОШ ВАЗИР КУБОГИ" МУСОБАҚАСИ ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар ходимларидан таркиб топган жамоалар ўртасида футбол (эркаклар) ва волейбол (хотин-қизлар) бўйича "Бош вазир кубоги" мусобақаси ўтказилди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 4 сентябрь куни жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси юзасидан ташкил этилган мусобақада турли ташкилотлар ҳаваскор футболчиларидан иборат 64, волейбол бўйича эса 11 жамоа иштирок этди.

Пойтахтимиздаги "Миллий" стадионида футбол мусобақаси финал босқичи ва голиб жамоаларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Футбол бўйича финал ўйинида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва "Ўзбектелеком" АК жамоалари куч синашди. 1-0 ҳисобида ғалаба қозонган Олий суд йиғилари биринчи ўринни кўлга киритди. Учинчи ўрин Сув хўжалиги вазирлиги жамоасига насиб этди.

Волейбол мусобақасида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ жамоаси биринчи, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хотин-қизлари иккинчи, Ўзбекистон Миллий ах-

борот агентлиги жамоаси эса учинчи ўринни кўлга киритди.

Голиб жамоаларга "Бош вазир кубоги"ни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдухакимов тантанали топширди. Шунингдек, эсдалик совғалари, дипломлар берилди. Мусобақа иштирокчилари турли номинациялар бўйича ҳам тақдирланди.

Спорт мусобақаси санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар билан якунланди.

Жавоҳир ТОШХУЖАЕВ, ЎЗА гуварбири



## ДОНИШМАНЛАР ХАЗИНАСИДАН

**Фикрламасдан ўқийдиган одам янглишиши, ўқиб-ўрганмасдан фикрловчи эса, қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин.**

\*\*\*

**Уч йўналишда инсон ўта ақл билан ишлаши керак: тафаккур билан, тақдид билан ва тажриба билан.**

\*\*\*

**Қадим замонларда кишилар кўп гапирмасликка ҳаракат қилишган. Сергаплиликни улар уят, деб биллишган.**

\*\*\*

**Сўз фикрни ифодаласа, шуни ўзи кифоя.**

\*\*\*

**Сукут – сени сотмайдиган сadoқатли дўст.**

\*\*\*

**Сўз тополмасанг, демек одамларни билмас экансан.**

\*\*\*

**Яхши одам ҳеч қачон танҳо қолмайди. Унга, албатта, яхши кўшни учрайди.**

\*\*\*

**Агар киши қатъий, бир сўзли, содда, камгап бўлса, у комил инсонга яқинлашган бўлади.**

\*\*\*

**Жилла бўлса ҳам яхшилиқ қилишга интилинг, оқибатда нодонлик қилмаганлигингизга ишонч ҳосил қиласиз.**

\*\*\*

**Ўқимаган ва ўрганилмаган одамларни урушга юбормоқ сотқинликдир.**

\*\*\*

**Ота-онангизга хизмат қилишда ҳалим бўлинг. Қалбингиздаги норозиликни уларга сездира кўрманг.**

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлаган**

## СПОРТЧИЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ҲАРБИЙ ЎЙИНЛАРДА

**Хитойнинг Ухань шаҳрида VII Халқаро ҳарбий ўйинлар бўлиб ўтди. Мусобақаларда дунёнинг 136 мамлакатидан келган жамоалар орасида Ўзбекистон ҳарбийлари ҳам голиблик учун кураш олиб бордилар.**

Халқаро танловда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қошидаги Республика от спорт бўйича олий спорт мактаби спортчилари мактаб директори бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси таркибида Уханьда бўлдилар.

Халқаро ҳарбий ўйинлари – бу дунёдаги энг йирик кўп тармоқли спорт ташкилотларидан бири бўлган Халқаро ҳарбий спорт кенгаши томонидан ҳарбий спортчилар учун ташкиллаштирилган спорт мусобақаларидир. Ушбу мусобақалар ҳарбий хизматчилар учун Олимпий ўйинларига мос келади ва у ҳам ҳар тўрт йилда бир марта Олимпия

ўйинларидан ролпа-роса бир йил олдин ўтказилади.

Ўзбекистон спортчилари учун бундай нуфузли халқаро мусобақада иштирок этиш жуда муҳим ва масъулиятли воқеадир, чунки бу ерда спортчиларимиздан ташкил топган делегация Ўзбекистон от спорт тарихида илк маротаба қатнашди. Бу, шубҳасиз, миллий спорт ютуқларининг кенг маънодаги натижасидир.

Ўтган давр мобайнида жамоани шакллантириш ва тайёрлаш бўйича кўп ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонлик иштирокчилар Голландия, Португалия, Қатар, Россия, Сурия, Таиланд, Уруг-

вай, Хитой, Германия, Аргентина, Баҳрайн, Бразилия, Чили, Эквадор, Испания, Франция, Италия, Қувайт, Люксембург, Непал ва бошқа мамлакатларнинг 20 та спортчи жамоалари билан беллашдилар.

Таъкидлаш жоизки, бундай танловлар ҳарбий маҳорат ёки спорт билан бевосита боғлиқ бўладими ёки йўқми, нафақат моҳирона намойиш ва томошабинларни завқлантирадиган яхши томоша, балки чет эллик ҳамкасблар билан ҳарбий ва профессионал тажриба алмашиш ҳамда ўз маҳоратларини амалда намойиш этиш имкониятини беради. Ўйинлар доирасида 329 та турли хил тадбирлар, шу жумладан мусобақалар, шунингдек, тантанали маросимлар ўтказилиши режалаштирилган. Мусобақалар спортнинг 27 та тури бўйича ўтказилади. Халқаро ҳарбий ўйинлари ўзаро дўстликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилади.

**Нафосат ЗАФАРОВА, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Матбуот хизмати етакчи мутахассиси**

## ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИЙ БУРЧИМИЗ

**Ҳаёт қутилмаган воқеаларга бой. Қўриқлаш бошқармаси ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида турли ноҳусу вазиятларнинг олди олинмоқда. Ана шундай ҳолатлардан бири ҳам ходимларнинг саъй-ҳаракати натижасида бартараф этилди.**

2019 йилнинг 16 октябрь куни соат тахминан 21:35ларда Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чипон ота кўчаси, 68-уйда жойлашган "Афсонавий таомлар" МЧЖга қарашли "Хоразмшоҳ" кафе-фасидан Қўриқлаш бошқармаси Мониторинг марказига "ташвиш" хабари келиб тушди.

Хабар Мониторинг маркази диспеттери, сафдор Б.Даминов томонидан Чилонзор тумани бўйича 4-сонли тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ ходимларига етказилган. Мазкур гуруҳ ходимлари воқеа жойига 5 дақиқада етиб боришганида кафеда номаълум шахс маст ҳолатда кафе ходимлари билан ўзаро жанжаллашганига гувоҳ бўлишди. У ўзи билан олиб келган пичок билан кафе ходимларига зарар етказмоқчи бўлган вақтда тезкор ҳаракатланувчи

гуруҳи ходимлари томонидан кўлга олиниб, тумандаги ИИБга олиб бориб топширилди.

Аҳолининг хавфсизлигини, тинч-осойишта ҳаётини таъминлашда қўриқлаш хизмати ходимларининг ўрни бекиёслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Хар бир тумандаги корхона-ташкилотлар, фуқароларнинг ҳонадонлари хавфсизлигини таъминлашда Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси туну кун жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳолининг хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

**Ж.РАСУЛОВ, Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси 9-Алоҳида батальони командири, подполковник**

## Реклама ва эълонлар

Сергели саноат касб-хунар коллежининг фаолияти 2019 йил 1 сентябрдан тугатилди. Даъво ва аризалар Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-2 массиви, Лутфкор кўчаси, 64-уй манзилида қабул қилинади. Мурожаат учун телефонлар: 71 257-74-57, 71 257-74-16.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 16.11.2018 йилда № 650373 рақами билан рўйхатдан ўтган "IMPEX COMMISSION SERVICE" МЧЖ (СТИР 305859818) 24.10.2019 йилдаги таъсисчилик қарорига кўра

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой муддат ичида 99 990-50-04 рақами орқали қабул қилинади.

## Реклама ва эълонлар

**"СУВСОЗ" ДУК**

1. "Сувтаъминот" УК юридик шахс ва тижорат истеъмолчилари III гуруҳ диққати-га совуқ сув ва оқова суви хизмати (канализация) учун.

"Сувсоз" ДУКнинг 09.09.2019 й. №109 и/ч-сонли буйруғига мувофиқ "Сувтаъминот" УКнинг "Сувсоз" ДУКга кўшилиш шаклида қайта ташкил этилиши" ҳамда 10.09.2019 й. "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарининг № 140-сонидagi эълон асосида маълум қиламиз, яъни Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси Молия бошқармасида тасдиқланган 2019 йил 28 октябрдаги Реестр 13-ТГ-2019-сонли декларацияга мувофиқ 2019 йил 16 ноябрдан Тошкент шаҳри бўйича тарифлар юридик шахс ва тижорат истеъмолчилари III гуруҳ амалда фойдаланишга киритилган.

Сув таъминоти бўйича – 1 м3 учун 730 сўм 00 ҚҚСсиз. Оқова сув бўйича – 1 м3 учун 460 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз.

2. Қолган барча Тошкент шаҳри истеъмолчилари I ва II гуруҳлар (аҳоли, бюджет ва иссиқлик ташкилотлари ва бошқа истеъмолчилар) учун юқорида кўрсатилган Декларацияга мувофиқ тарифлар 2019 йил 16 ноябрдан ўзгаришсиз қолмоқда.

Сув таъминоти бўйича – 1 м3 учун 310 сўм 00 ҚҚСсиз. Оқова сув бўйича – 1 м3 учун 250 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз.

**Маълумот:**

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 2 апрелдаги 499-сонли қарорига биноан, Тошкент шаҳри истеъмолчилари учун, ичимлик сув таъминоти хизматлари учун Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 12 январдаги 69-сонли қарори билан белгиланган 100 сўм м3 миқдоридagi махсус устама ҳақ миқдори 2019 йилдан амал қилиниши уайтирилган, оқова сув (канализация) хизматлари учун махсус устама ҳақ миқдори 100 сўм м3 этиб белгиланган.

Гулбахор саноат касб-хунар коллежи томонидан 2007 йилда Исламова Наргиза Махаммаджановна номига берилган К № 725085 рақамли (рўйхат рақами № 1920) диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат техника университети томонидан 2001 йилда Муратов Баходир Икрамжонович номига берилган В № 054225 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри Яққасарой тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 22.06.2018 йилда № 617624 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "CONTEX JEANS COLLECTION" МЧЖ (СТИР 305615116) таъсисчиликнинг 22.10.2019 йилдаги № 3 баённомасига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яққасарой тумани, Қўшбеги кўчаси, 6-уй, 45-бино манзилида қабул қилинади. Телефон: +99899 825-15-01.


Шайхонтохур саноат касб-хунар коллежи фаолиятини тугатмоқда. Шу боис коллежга оид барча даъво ва аризаларни Шайхонтохур тумани, Шайхонтохур кўчаси, 70-уй манзилида қабул қилинишини маълум қиламиз.

Мурожаат учун телефон: 71 241-80-85.

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи жамоаси техника фанлари номзоди, доцент

**Карим Маҳкамович НАЗАРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.



**ЎЗГИДРОМЕТ**

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 1 ноябрь куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёлғир ёғиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 10-12, кундузи – 18-20 даража илиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 1 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси даст бўлади.



Манзиллимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1355 нусхада босилди. Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Буюртма Г. 1046

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.40